

**“Hududiy elektr tarmoqlari” AJ Ягона акциядорининг**

**4 - сонли қарори**

**2022 йил 29 август**

**Тошкент шаҳри**

“Hududiy elektr tarmoqlari” AJ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 84 680 814 487 донани ташкил этади.

“Hududiy elektr tarmoqlari” AJнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб, ушбу вазирлик Жамиятнинг ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

**1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 126-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” AJ таркибидаги ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини “Hududiy elektr tarmoqlari” AJга қўшиб олиш йўли билан Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида.**

**2. 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини “Hududiy elektr tarmoqlari” AJга қўшиб олиш шартномасини ва топшириш далолатномаларини тасдиқлаш тўғрисида.**

**3. “Hududiy elektr tarmoqlari” AJнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.**

**4. “Hududiy elektr tarmoqlari” AJнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида.**

**Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Энергетика Вазирлиги ҳузурида “Миллий диспетчерлик маркази” давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2022 йил 24 мартдаги 126-сон қарорининг 8-бандига мувофиқ “Hududiy elektr tarmoqlari” AJ тизимидаги ташкилотларни ушбу жамиятнинг ҳудудий филиаллари этиб қайта ташкил этиш белгиланган.

Шу билан бирга, 14 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини “Hududiy elektr tarmoqlari” AJнинг ҳудудий функционал филиалларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳолда айлантириш учун, аввалом бор ушбу корхоналарни “Hududiy elektr tarmoqlari” AJга қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этилиши ва шундан сўнг қўшиб олинган корхоналар негизида ҳудудий филиалларни ташкил этилиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 94-моддасига биноан қўшиб олинаётган жамият ва қўшиб олаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилишида жамиятни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги ва қўшиб олиш шартномасини, топшириш далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги масаллар кўриб чиқилади.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 59-моддасига биноан Жамиятни қайта ташкил этиш масаласи бўйича қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 126-сон қарорининг 8-банди ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилнинг 3-30 июн кунларида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимдаги барча ҳудудий электр тармоқлари корхоналарида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишлари ўтказилди ва уларда жамиятларни қайта ташкил этиш масаласи кўриб чиқилган.

Мазкур йиғилишлар натижаларига кўра 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарида жамиятни қайта ташкил этиш масаласи бўйича ижобий (акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан) қарорлар қабул қилинган бўлиб, қолган 2 та корхонада (“Бухоро ХЭТК” АЖ ва “Фарғона ХЭТК” АЖ) ўтказилган навбатдан ташқари умумий йиғилишларда иштирок этган йирик миқдордаги оддий акциялар эгалари томонидан жамиятни қайта ташкил этиш масаласида “қарши” овоз беришлари натижасида жамиятни қайта ташкил этиш масаласи бўйича ижобий (акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан) қарорлар қабул қилинмаган.

Шунга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 126-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 59-моддасига мувофиқ “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 126-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилнинг 3-30 июн кунларида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимдаги барча 14 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарида акциядорларнинг умумий йиғилишлари ўтказилганлиги ва мазкур йиғилишлар натижаларига кўра 12 та корхонада жамиятни қайта ташкил этиш масаласи бўйича ижобий қарорлар қабул қилинганлиги ва 2 тасида (“Бухоро ХЭТК” АЖ ва “Фарғона ХЭТК” АЖ) ижобий қарорлар қабул қилинмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимидаги 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ҳудудий функционал филиалларига айлантириш мақсадида ушбу корхоналарни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга кўшиб олиш йўли билан Жамиятни қайта ташкил этиш масаласи тасдиқлансин ва ушбу масала бўйича тегишли чоралар кўрилсин.

Бунда, кўшиб олинаётган акциядорлик жамиятларининг имтиёзли акцияларини, улар эгаларининг жамиятни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга кўшиб йўли билан қайта ташкил этиш масаласи бўйича қабул қилган қарорига кўра, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг имтиёзли акцияларига айирбошлаш (конвертация қилиш) мумкинлиги ва Давлат инвестиция дастурлари асосида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга юклатилган стратегик вазифаларни инобатга олган ҳолда ушбу Жамиятда барча оддий овоз берувчи акцияларнинг давлат тасарруфида сақлаб қолиниши белгилаб кўйилсин.



### **Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:**

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 94-моддасига биноан қўшиб олинаётган жамият ва қўшиб олаётган шахснинг ваколатли органи қўшиб олиш шартномасини ва топшириш далолатномасини ўз жамияти акциядорларининг умумий йиғилишига ҳал қилиш учун олиб чиқади. Шартномада қўшиб олиш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилади.

Шу сабабли “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимидаги 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга қўшиб олиш шартномаси ва топшириш далолатномалари ушбу 12 та корхона акциядорларнинг 2022 йилнинг 3-30 июн кунларида ўтказилган навбатдан ташқари умумий йиғилишларида тасдиқланган (қўшиб олиш шартномаси ва топшириш далолатномалари илова қилинади).

Шунга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 126-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 94-моддасига мувофиқ “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори, қарор қилади:

1. 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини (“Тошкент шаҳар ЭТК” АЖ, “Тошкент ХЭТК” АЖ, “Қорақалпоқ ХЭТК” АЖ, “Хоразм ХЭТ” АЖ, “Навой ХЭТК” АЖ, “Самарқанд ХЭТК” АЖ, “Жиззах ХЭТК” АЖ, “Қашқадарё ХЭТК” АЖ, “Сурхондарё ХЭТК” АЖ, “Сирдарё ХЭТК” АЖ, “Андижон ХЭТК” АЖ ва “Наманган ХЭТК” АЖ) “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга қўшиб олиш шартномаси 1-иловага ҳамда топшириш далолатномалари 2-13 иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раиси (Мустафоев) 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга қўшиб олиш бўйича акциядорларнинг қўшма умумий йиғилиши ўтказилишини ва унда қонунчиликда белгиланган тегишли масалаларни (шу жумладан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Уставига тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда, Жамият Уставни янги таҳрирда тасдиқлаш масаласини ҳам) қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқилишини таъминласин.

### **Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 мартдаги 126-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгашининг 28.03.2022 йилдаги 3-сонли қарорига мувофиқ 2022 йилнинг 3-30 июн кунларида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимидаги барча ҳудудий электр тармоқлари корхоналарида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишлари ўтказилди ва уларда жамиятларни қайта ташкил этиш масаласи кўриб чиқилган.

Мазкур йиғилишлар натижаларига кўра 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарида жамиятни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этиш масаласи бўйича ижобий (акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан) қарорлар қабул қилинган.



Ўз навбатида 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈга қўшиб олиш йўли билан Жамиятни қайта ташкил этилиши ва ушбу корхоналар негизида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг ҳудудий филиалларини ташкил этилиши “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг ташкилий тузилмасини қайта қўриб чиқиш заруратини пайдо қилмоқда.

Шунга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 мартдаги 126-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш лозим ҳисобланади.

Ушбулардан келиб чиқиб “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈ нинг янги ташкилий тузилмаси 14-иловага мувофиқ “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈ Ягона акциядори ҳамда 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналари акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈ нинг уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилгандан сўнг тасдиқланган ҳисоблансин.

2. Ушбу қарор ижросини таъминлаш “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг бошқарув раиси У.М.Мустафоев зиммасига юклатилсин.

**Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан:**

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 40- ва 41-моддаларида Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилишда қарши овоз берган ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган акциядорда ўзига тегишли акцияларни корхона тарафидан бозор баҳосида қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи пайдо бўлиши ва акцияларни қайтариб сотиб олинишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибига киритилган акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга етказиладиган хабарда Жамият акциядорларни ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишни талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги, қайтариб сотиб олиш нархи ва қайтариб сотиб олишни амалга ошириш тартиби тўғрисида хабардор этиши шартлиги ва Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтириладиган маблағларнинг умумий суммаси жамият соф активлари қийматининг 10 фоизидан ошиб кетиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Ўз навбатида Қонуннинг мазкур 40- ва 41-моддаларидаги нормалардан келиб чиқиб, ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈга қўшиб олиш жараёнида, ушбу корхоналарнинг ҳудудий корхоналарнинг акциядорлари томонидан жамиятни қўшиб олиш масаласида маъқуллаб овоз (розилик бериш) натижасида ёки акциядорлар томонидан ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини бўйича талабномалар берилмаганда ушбу акциядорларга тегишли имтиёзли ёки оддий акцияларни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг акцияларига айирбошлаш (конвертация қилиниши) заруратини вужудга келтиради.

Шунингдек кўрсатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 октябрдаги ПҚ-2635-сон қарорига биноан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг барча оддий акциялари давлат тасарруфида сақлаб қолиниши белгилаб қўйилган.

Яъни амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиқиб “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан қўшиб олинаётган ҳудудий электр тармоқлари корхоналари акциядорларига фақатгина имтиёзли акциялар чиқариб жойлаштирилиши мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига биноан қўшимча акциялар фақат жамият уставига белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкинлиги белгиланган.

Бундан ташқари мазкур Қонунинг 25-моддасида Жамият уставига жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг сони ва номинал қиймати белгиланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шунга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 126-сон қарори ижросини таъминлаш жараёнида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан қўшиб олинаётган 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг турли хил номинал қийматдаги имтиёзли акциялари эгаларига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг имтиёзли акцияларини чиқариш мажбурияти пайдо бўлаётганини инобатга олиб, ушбу Жамиятнинг уставига тегишли ўзгартиришлар киритган ҳолда, Уставни янги таҳрирда тасдиқлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави 15-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқаруви раиси У.М.Мустафоевга Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тегишли давлат идораларида рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга ошириш топширилсин.


Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирининг  
биринчи ўринбосари



О.Насритдинходжаев



**«Худудий электр тармоқлари» АЖ  
 ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг умумий сони – 111 та.

\*техник ва хизматчи ходимларининг умумий сони қонунчиликда белгиланган меъёрларга мувофиқ белгиланади.

\*\* Бошқарув раиси ходимлар сонининг умумий миқдори доирасида штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

